

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12. 2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УМУРОВ ФАРРУХ ФАХРИДДИНОВИЧ**

**КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА МИКРОБИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕРИ  
ЛЕЙШМАНИОЗИНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Умуров Фаррух Фахриддинович**

Клиник-иммунологик ва микробиологик хусусиятларни ҳисобга олган  
ҳолда тери лейшманиозининг даволаш усулини оптималлаштириш ..... 3

**Умуров Фаррух Фахриддинович**

Оптимизация терапии кожного лейшманиоза с учетом клинико-  
иммунологических и микробиологических особенностей.....29

**Umurov Farrukh Fakhriddinovich**

Optimization of cutaneous leishmaniasis therapy taking into account clinical,  
immunological and microbiological features.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....61

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12. 2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УМУРОВ ФАРРУХ ФАХРИДДИНОВИЧ**

**КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА МИКРОБИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕРИ  
ЛЕЙШМАНИОЗИНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2182 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immuno.uz](http://www.immuno.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Исмаилова Гули Аминджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абидова Зура Муратходжаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, к.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Файзуллаева Нигора Яхъяевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Маннанов Абдушукур Маликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Астана тиббиёт университети (Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: [immunology@immuno.uz](mailto:immunology@immuno.uz)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: [immunology@immuno.uz](mailto:immunology@immuno.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Х.М.Хатамов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражаларни берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда протозойли трансмиссив касалликлари гуруҳи бўлган лейшманиоз - одамлар ва ҳайвонларнинг табиий ўчоқли, ички органлар (висцерал лейшманиоз) ёки тери ва шиллиқ пардалар (тери лейшманиози) зарарланиши билан кечувчи касаллик бўлиб қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Касалликнинг тери шакллари Марказий Осиё, Грузия, Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Арманистон ва Тожикистонда спорадик равишда аниқланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «... дунёда ҳар йили тери лейшманиозининг 700 мингдан 1,3 миллионгача янги ҳолатлари ва висцерал лейшманиознинг 200-400 минг ҳолатлари қайд этилмоқда»<sup>1</sup>. Тери лейшманиози патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида тери лейшманиози билан касалланган беморларнинг ортиши, айниқса уни эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тери лейшманиозини ўтказган беморларда клиник-иммунологик ўзгаришларни аниқлаш, биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда касалликнинг турли шаклларида иммун тизим функционал ҳолатини баҳолаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан тери касалликлари ва уларнинг салбий оқибатларга олиб келадиган омилларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан холда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, тери

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO) серия технических докладов ВОЗ №949 «Борьба с лейшманиозом», 2010, 2023 г.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

лейшманиозини даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда тери лейшманиози (ТЛ) энг кенг тарқалган паразитар касалликлардан бири бўлиб, эндемик зоналарда (Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Қорақалпоғистон) ҳар йили ушбу касалликнинг ўнлаб янги ҳолатлари қайд этилади (С.Ф.Аляви, 2000; Абдиев Ф.Т., Шамгунова Г.Ш., 2001; Абдуллаев Д.М., 2008; Н.А. Джалалова ва бошқ., 2014.; А.Б.Рахматов, 2014; Ташбаев Н.С., 2011; Абидова З.М. ва бошқ., 2017). ТЛ дўмбоқчалар шаклланиб, кейин яраланиши ва чандиқланиши кўринишида терининг шикастланиши билан тавсифланади, кўпинча сурункали кечади. Сўнгги йилларда тери лейшманиозининг даволаш қийин бўлган атипик ва асоратланган шакллари ҳолатлари учраши кўпайди. Ушбу касаллик қўзғатувчиси лейшманиялар хўжайиннинг гистиофагоцитар тизими хужайраларида тирик қолиш ва кўпайиш қобилятига эга бўлган хужайра ичидаги паразитлари эканлигини ҳисобга олсак, хўжайин организмнинг иммун реакцияси маълум хусусиятлар билан намоён бўлиши мумкин (Штаддер Г., 1996; Grevelink S. A., Lerner E. A., 1996; Hengge U. R., Marini A., 2008; Rosypal A. C. et al., 2008; Ziaei H. et al., 2008).

Лейшманияга иммун жавобни регуляциясида иммунокомпетент хужайраларнинг функционал фаоллигининг етарли эмаслиги тўғрисида бир нечта ва қарама-қарши маълумотлар мавжуд, бу уларнинг кооператив ўзаро таъсири механизмининг бузилиши, супрессив хужайравий омилларнинг фаоллиги ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эрта клиник ва лаборатор диагностикаси, асоратларнинг олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган самарали ва хавфсиз даволаш усулларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда (Коновалова С.А., 1980;

Poulter L.W.,1980; Kurkcuoglu N., Tandogdu R., 1990; Scott P., 1996; Ota H. et al., 2008; Гостроверхова И.П.,2010; Абидова З.М., Извекова О.В., ва бошқ. 2014; Икрамова Н.Д. ва бошқ. 2015).

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида янги дори препаратлари пайдо бўлди: липосомал амфотерицин В ва мильтефозин. Липосомал шаклдаги амфотерицин В жиддий ножўя таъсирга эга эмас, аммо унинг нархи юқорилиги туфайли оммавий фойдаланишга чиқмади. Мильтефозин –фақат Колумбия, Германия ва Ҳиндистонда лицензияланган ягона перорал дори воситаси. Ушбу инфекциянинг замонавий кимётерапиясида антибиотиклар (мономицин, доксацилин, метацилин ва бошқалар), сульфаниламидлар, аминохинолинлар ва замбуруғга қарши дорилар, аллопуринол бирикмалари ва бошқалар муҳим ўрин тутди. Касалликни маҳаллий даволашда крио-, лазер, ультратовуш терапияси, жарроҳлик кесишлари, электрокоагуляция, шунингдек, ташқи терапиянинг турли воситалари қўлланилади (Harms G., Chehade A. K., Racz P et al., 1989; Koff A. B., Rosen T.,1994; Аляви С.Ф. 2000; Ваисов А.Ш. 2009; Рахматов А.Б.,2014;).

Касалланишнинг ортиши, турли хил иммунитет танқислиги ҳолатлари фонида тез-тез асоратларни қайд этилиши, даволанишга резистентлик ҳолатлари кўплиги ва самарали даволаш усуллариининг етишмаслиги стационар ва амбулатория шароитида касалликнинг турли асоратланган шаклларида иммунопатогенезни ҳисобга олган ҳолда тери лейшманиози учун самарали терапияни ишлаб чиқиш мақсадида қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-214-09118183647-сонли «Тери лейшманиозини комплекс патогенетик даволашни жорий этиш» (2015–2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** клиник-иммунологик ва микробиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тери лейшманиозининг даволаш усулини оптималлаштириш иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро вилояти худудида тери лейшманиози кечишининг клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш;

тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида иммунокомпетент ҳужайралар (CD3+, CD4+, CD8+, CD19+) фенотипларининг, зардоб иммуноглобулинлари (IgA, IgM, IgG) ва циркуляциядаги иммун комплексларининг (ЦИК) аҳамиятини аниқлаш;

тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида IL-4, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ , IFN- $\alpha$  ва IFN- $\gamma$  цитокинлари миқдорини аниқлаш;

даволаш жараёнида тери лейшманиози билан касалланганлар зарарланиш ўчоқларида Боровский таначаларини аниқлашда микробиологик тадқиқотлар диагностик аҳамиятини аниқлаш;

тери лейшманиози билан оғриган беморлар учун инновацион терапия усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017–2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро худудий филиали назоратида бўлган лейшманиозининг турли клиник шакллари таъхиси билан 1314 нафар беморлар касаллик тарихининг ретроспектив клиник-эпидемиологик таъхили ва 1 ёшдан 68 ёшгача 214 нафар беморлар проспектив таъхили ҳамда 40 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар вена қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар ҳамда яранинг таркиби микробиологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморларда ҳужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+ лимфоцитлари ва ИРИ миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг CD19+, IgA, IgM, IgG ва АЮК миқдорининг ортиши сабабли патологик жараённинг кучайиши юзага келиши исботланган;

илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморларда, иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8 ва TNF-α) цитокинлар миқдорлари кескин ортиши фонида IL-4 IFN-γ ва IFN-α цитокинлари миқдорининг камайиши яллиғланиш жараёни кечишининг оғирлашувига сабаб бўлиши аниқланган;

илк бор тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида яллиғланишга хос IL-6, IL-8 цитокинлар миқдорининг ортиши хусусан, TNF-α миқдорининг кескин ортиши асоратланган шаклларнинг ривожланишига ва касалликнинг давомийлигига сабаб бўлиши исботланган;

инновацион даволаш усулидан фойдаланиш ҳужайравий ва гуморал иммунитет дисбалансини меъёрлаши, яллиғланишга хос ва қарши цитокинларни синтезини коррегирлаши сабабли лейшмания кўзгатувчисига нисбатан иммун жавобнинг кучайишига олиб келиши асосланган.

**Тадқиқотни амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида ҳужайравий (CD3+, CD4+, CD8+, CD19+) ва гуморал иммунитет (IgA, IgM, IgG) кўрсаткичлари миқдорини аниқлаш тавсия этилган;

илк бор тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида IL-4, IL-6, IL-8, TNF-α, IFN-α ва IFN-γ цитокинлари миқдорлари аниқланган;

тери лейшманиози билан касалланганлар зарарланиш ўчоқлари бактериологик тадқиқотида модификацияланган ЭД-1 муҳити билан лейшмания колонияларининг соф культурасини аниқлаш тавсия этилган;

илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморлар учун инновацион даволаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, анамнестик, микробиологик, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тери лейшманиозининг клиник-иммунологик ва микробиологик хусусиятларни аниқлашда ҳужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+ лимфоцитлари ва ИРИ миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг CD19+, IgA, IgM, IgG ва АЮК миқдорининг ортиши исботланганлиги, иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8 ва TNF-α) цитокинлар миқдорлари кескин ортиши фонида IL-4 IFN-γ ва IFN-α цитокинлари миқдорининг камайиши аниқланганлиги, турли клиник шаклларида яллиғланишга хос цитокинлар миқдорининг ортиши хусусан, TNF-α миқдорининг кескин ортиши асоратланган шаклларнинг ривожланишига ва касалликнинг давомийлигига сабаб бўлиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари миқдорини аниқлаш тавсия этилганлиги, иммунитетнинг яллиғланишга хос ва қарши цитокинлари миқдорлари аниқланганлиги, тери лейшманиози билан касалланганларнинг зарарланиш ўчоқлари бактериологик тадқиқотида модификацияланган ЭД-1 муҳити билан лейшмания колонияларининг соф культурасини аниқлаш тавсия этилганлиги ва тери лейшманиози билан касалланган беморлар учун инновацион даволаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Клиник-иммунологик ва микробиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тери лейшманиозининг даволаш усулини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилиги:* илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморларда ҳужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+ лимфоцитлари ва ИРИ миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг CD19+, IgA, IgM, IgG ва АЮК миқдорининг ортиши сабабли патологик жараённинг кучайиши юзага келиши исботланганлиги бўйича «Тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт Кенгашининг 2023 йил 18 ноябрдаги №23-м/133-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 22.04.2024 йилдаги №575-2-42-ТВ/2024-сонли, Республика ихтисослаштирил-

ган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмасининг 07.05.2024 йилдаги №57-сонли буйруғлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/76-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши тери лейшманиози билан касалланганларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, зарарланиш ўчоқларидан қўзғатувчини эрта элиминациясига, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмаси амалий фаолиятларига тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усулини жорий этилиши яраларни даволаш вақтини қисқартириб, яллиғланиш инфилтратларини сўрилишини тезлаштиради ҳамда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлардан 568000 сўм тежашга ва касалхонага ётқизиш муддатини ўртача 10 кунга қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: тери лейшманиози билан касалланган беморларда хужайравий иммунитетнинг CD3+, CD4+ лимфоцитлари ва ИРИ миқдори кескин камайиши фонида гуморал иммунитетнинг CD19+, IgA, IgM, IgG ва АЮК миқдорининг ортиши сабабли патологик жараённинг кучайиши юзага келиши асосланган;

*иккинчи илмий янгилиги*: илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморларда, иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8 ва TNF-α) цитокинлар миқдорлари кескин ортиши фонида IL-4, IFN-γ ва IFN-α цитокинлари миқдорининг камайиши яллиғланиш жараёни кечишининг оғирлашувига сабаб бўлиши аниқланганлиги бўйича «Тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт Кенгашининг 2023 йил 18 ноябрдаги №23-m/133-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 22.04.2024 йилдаги №575-2-42 - ТВ/2024-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмасининг 07.05.2024 йилдаги №57-сонли буйруғлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/76-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши тери лейшманиози билан касалланганларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, зарарланиш ўчоқларидан қўзғатувчини эрта элиминациясига, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмаси амалий фаолиятларига тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-

иммунологик усулини жорий этилиши яраларни даволаш вақтини қисқартириб, яллиғланиш инфилтратларини сўрилишини тезлаштиради ҳамда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлардан 568000 сўм тежашга ва касалхонага ётқизиш муддатини ўртача 10 кунга қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: илк бор тери лейшманиози билан касалланган беморларда, иммунитетнинг яллиғланишга хос цитокинлар миқдорлари кескин ортиши фонида IL-4, IFN- $\gamma$  ва IFN- $\alpha$  цитокинлари миқдорининг камайиши яллиғланиш жараёни кечишининг оғирлашувига сабаб бўлиши асосланган;

*учинчи илмий янгиллиги*: илк бор тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида яллиғланишга хос IL-6, IL-8 цитокинлар миқдорининг ортиши хусусан, TNF- $\alpha$  миқдорининг кескин ортиши асоратланган шаклларнинг ривожланишига ва касалликнинг давомийлигига сабаб бўлиши исботланганлиги бўйича «Тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт Кенгашининг 2023 йил 18 ноябрдаги №23-м/133-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 22.04.2024 йилдаги №575-2-42-ТВ/2024-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмасининг 07.05.2024 йилдаги №57-сонли буйруғлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/76-сонли хулосаси); *иштинмой самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши тери лейшманиози билан касалланганларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, зарарланиш ўчоқларидан кўзғатувчини эрта элиминациясига, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмаси амалий фаолиятларига тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усулини жорий этилиши яраларни даволаш вақтини қисқартириб, яллиғланиш инфилтратларини сўрилишини тезлаштиради ҳамда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлардан 568000 сўм тежашга ва касалхонага ётқизиш муддатини ўртача 10 кунга қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида яллиғланишга хос IL-6, IL-8 цитокинлар миқдорининг ортиши хусусан, TNF- $\alpha$  миқдорининг кескин ортиши асоратланган шаклларнинг ривожланишига ва касалликнинг давомийлигига сабаб бўлиши асосланган;

*тўртинчи илмий янгиллиги*: инновацион терапия усулидан фойдаланиш ҳужайравий ва гуморал иммунитет дисбалансини меъёрлаши, яллиғланишга хос ва қарши цитокинларни синтезини коррегирлаши сабабли лейшмания кўзғатувчисига нисбатан иммун жавобнинг кучайишига олиб келиши асосланганлиги бўйича «Тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усули» услубий

тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт Кенгашининг 2023 йил 18 ноябрдаги №23-м/133-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 22.04.2024 йилдаги №575-2-42-ТВ/2024-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмасининг 07.05.2024 йилдаги №57-сонли буйруғлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/76-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши тери лейшманиози билан касалланганларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, зарарланиш ўчоқларидан қўзғатувчини эрта элиминациясига, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий ҳудудий бўлинмаси амалий фаолиятларига тери лейшманиозини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик усулини жорий этилиши яраларни даволаш вақтини қисқартириб, яллиғланиш инфилтратларини сўрилишини тезлаштиради ҳамда ҳар бир бемор учун бюджет маблағлардан 568000 сўм тежашга ва касалхонага ётқизиш муддатини ўртача 10 кунга қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: инновацион даволаш усулидан фойдаланиш хужайравий ва гуморал иммунитет дисбалансини меъёрлаши, яллиғланишга хос ва қарши цитокинларни синтезини коррегирлаши ва лейшмания қўзғатувчисига нисбатан иммун жавобнинг кучайишига олиб келиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган,

тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тери лейшманиозининг этиологияси, патогенези, диагностикаси, клиникаси ва терапияси ҳақидаги замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида сўнгги 5-10 йил ичида тери лейшманиози эпидемиологияси, иммунопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволаш масалаларини ақс эттирувчи замонавий маҳаллий ва хорижий адабий манбаларни ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг бирламчи материали, тадқиқот объекти ва дизайни тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари ва даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар батафсил баён этилган.

Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун 1 ёшдан 68 ёшгача бўлган ТЛ билан касалланган 214 нафар беморда проспектив кузатув ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ҳудудий филиали клиникасида 2014 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда 98 эркак (45,8%) ва 116 аёл (54,2%) стационар даволанган.

Текширилганларнинг аксарияти қишлоқ аҳолиси эди (78,6%) ва беморлар орасида 14 ёшгача бўлган болалар устунлик қилди (53,7%). Касалликнинг давомийлиги 15 кундан 3 йилгача бўлди, жумладан, 2 ойгача – 98 (45,8%), 3-4 ой – 64 (29,9%), 5-6 ой – 20 (9,35%), 7 ойдан 1 йилгача – 22 (10,3%), 1 йилдан кўп – 10 (4,7%) беморда.

ТЛ клиник шаклларига кўра, беморлар П.В. Кожевников таснифига кўра тақсимланди – дўмбоқчали шакли – 92 (43%), ярали лейшманиома – 68 (31,8%), дўмбоқчалар контаминацияси ва лимфангоитлар билан асоратланган ярали лейшманиома – 53 (24,7%) ва металеишманиоз – 1 (0,5%) беморда ташхисланди. Даволашни бошлашдан олдин беморларни тўлиқ клиник-лаборатор текшируви, шу жумладан, лейшманияни (Боровский таначаларини) аниқлашнинг бактериоскопик ва бактериологик усуллари ўтказилди.

Зарарланиш ўчоқларидан микробиологик текшириш давомида 214 беморларнинг 147 (69%) нафарида Боровский таначалари топилди.

Касалликнинг турли даврларида тери тошмаларининг элементлари папулалар, дўмбоқчалар ва яралар эди. Тадқиқот учун папулалар ва дўмбоқчалар пункция қилинди, яра бўлганда тадқиқот учун материал скальпел ёки платина лопаткача билан қириш орқали яранинг четидан олинди, шунингдек, жарроҳлик пинцети билан грануляцияни ажратиб олиш орқали материал олинди.

Культурани текшириш ва лейшмания тоза культурасини ажратиб олиш учун патологик материалнинг бир қисми Сабуро муҳитига ва модификацияланган ЭД-1 муҳитига (РИДВваКИАТМда ишлаб чиқилган), махсус озуқа муҳити бўлган пробиркаларда ва эритроцитлар билан бойитилган қаттиқ озуқа муҳити бўлган Петри косачаларида экилди. Кейин

пробиркалар ва Петри косачалари термостатда 22°C да 48-72 соатдан 10 кунгача сақланди. Материални олишда дока ёки пахта қатъиян ишлатилмади, чунки амастиготлар тампонларга ёпишиши ва буюм ойначасига тушмаслиги мумкин.

Иммунологик тадқиқот усуллариغا Залялиева М.В. (2004) усули бўйича моноклонал антителолар ёрдамида лимфоцитларнинг субпопуляцион таркибини аниқлаш, Digeon M. (1977) усулида қон зардобдаги айланиб юрувчи иммун комплекслар (АЮК) миқдорини аниқлаш, иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида – қон зардобдаги цитокинларни ва зардоб иммуноглобулинлари миқдорини аниқлаш (Арипова Т. У. ва бошқ., 2005) кирди.

Қабул қилинган терапия усулига қараб, барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Гуруҳлар беморлар ёши, клиник шакллари ва касалликнинг давомийлиги бўйича таққосланадиган бўлиб, бу бизга объектив ва ишончли натижаларга эришишга имкон берди. Тадқиқотга 18 ёшдан ошган беморлар киритилди. 1-гуруҳ (48 бемор – назорат гуруҳи) – (анъанавий терапия) антибиотикларни мушак ичига инъекция шаклида ёки оғиз орқали 7-10 кун давомида тегишли дозаларда қабул қилди. Ташқи терапияда дезинфекциялаш ва яллиғланишга қарши малҳамлар ишлатилган.

2-гуруҳ (60 бемор - асосийси) комплекс терапия усулини олди: кунига 1 маҳал 5-7 кун давомида 1,0 дозада антибиотик канамицин сульфат билан лимфа оқишини стимуллаш воситаси сифатида 32 ЕД лидаза биргаликда билвосита лимфотроп юбориш, шунингдек, гозалидон препарати 0,1 г 2 таблеткадан кунига 3 маҳал 3 кунлик циклларда ва 3 кунлик танаффусда (терапия курси 21 кун). Ташқи терапия учун қўшимча равишда антимиқроб, яллиғланишга қарши ва яраларни даволовчи таъсирга эга фаргалс эритмаси аппликация шаклида ишлатилди. Антибиотикларни лимфотроп юбориш курслари сони яллиғланиш жараёнининг оғирлигига, яралар сонига ва касалликнинг давомийлигига (5-7) боғлиқ эди.

Самарадорлик мезонлари қуйидагилар эди: инфилтрацияни камайиш вақти, лейшманиомаларни некротик ва йирингли массалардан тозаланиши, зарарланиш ўчоқларидан кўзгатувчининг элиминацияси ва специфик элементлар ва лимфаденитни тўлиқ йўқолиши.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2010 дастурий таъминот пакетидан фойдаланган ҳолда Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишлов беришдан ўтказилди, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Бухоро вилояти ҳудудида тери лейшманиозининг клиник-эпидемиологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ретроспектив таҳлил бўйича Бухоро вилояти ҳудудида ТЛ нинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва проспектив маълумотларга кўра тери лейшманиози билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари келтирилган.

ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ Бухоро филиалининг статистик маълумотларига кўра, биз ТЛ нинг 2014-2017 ва 2018-2022 йиллардаги айрим эпидемиологик ва клиник кўрсаткичларини қиёсий жиҳатдан ўрганиб чиқдик.

Бухоро вилоятида 2014-йилдан 2022-йилгача тери лейшманиози билан касалланган 1314 бемор қайд қилинган, жумладан, 2014 йилдан 2017 йилгача 344 та, 2018-2022 йилларда 970 та ТЛ ҳолатлари кузатилган. Статистик маълумотлар таҳлили Бухоро вилоятида ТЛ билан касалланишни рўйхатга олишнинг ўсиш тенденциясини аниқ кўрсатди. Шундай қилиб, сўнгги 5 йил ичида (2014-2017 йилларга нисбатан 2018-2022 йилларда) рўйхатдан ўтган беморлар сони 2,82 марта ошди. Йиллик асосда энг кўп ҳолатлар 2021 йилда, энг кам 2014-2017 йилларда қайд этилган, бу нафақат йиллик ўсишни, балки касалликни аниқлашнинг кўпайишини ҳам кўрсатади. Сўнгги 5 йил ичида (2018-2022) интенсив кўрсаткич 2018 йилда 6,1 дан 2021 йилда 17,7 га ошди, аммо 2022 йилда у сезиларли даражада камайди ва 100 минг аҳолига 9,2 ни ташкил этди. Бу йилларда Бухоро вилоятининг Караулбозор, Олот, Пешку, Ромитан ва Шофиркон туманларида ТЛ билан касалланиш даражаси энг юқори бўлган.

Ушбу йиллар давомида ўтказилган беморларнинг касаллик тарихи ва амбулатор карталарининг ретроспектив таҳлили (2014-2022) шуни кўрсатдики, шахар (антропоноз) касаллик тури 142 (10,8%), қишлоқ (зооноз) тури – 1172 (89,2%) беморларда қайд этилган, яъни ТЛ тури бўйича маълумотларни статистик таҳлил қилиш ТЛ нинг антропоноз туридан кўра зооноз тури кўп қайд қилиниши аниқланди. Шу билан бирга, барча йиллар давомида зооноз ва антропоноз ТЛ билан оғриган беморларнинг умумий сонининг нисбати 8,25 ни ташкил этди. Гарчи антропоноз ТЛ ни рўйхатга олиш ҳали ҳам амалга оширилаётгани ва таққосланган йиллар давомида деярли 2,5 марта ошгани ташвишга солади.

Касалликнинг давомийлиги 2 ойдан 1 йилгача ўзгарди. Шу билан бирга, 995 (75,7%) беморларда касалликнинг давомийлиги 2 ойгача, 287 (21,8%) – 3-4 ой ва 25 (1,9%) беморларда – 5-6 ойгача бўлди. Бухоро вилояти ТЛ учун эндемик зона бўлишига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, касалликни эрта аниқлаш ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ Бухоро филиали шифокорларининг ўз вақтида рўйхатга олиши ва ёрдами билан боғлиқ.

Кейинги ўринда ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ Бухоро филиалида амбулатор ва стационар даволанган 214 беморда ТЛ нинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш натижаларини тақдим этамиз. Беморларнинг касаллик тарихи ва амбулатор карталарини проспектив таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зооноз ТЛ 161 (75,2%) ҳолатда ва антропоноз ТЛ - 53 (24,8%) ҳолатда аниқланган.

Инфекцияланиш беморларнинг яшаш жойида, кўп ҳолларда қон сўрувчи ҳашаротлар–чивинлар орқали содир бўлган. Энг кўп касалланганлар Бухоро вилоятининг Ромитан, Жондор, Пешку ва Олот қишлоқ ҳудудларида яшаган.

Клиник кузатувлар шуни кўрсатдики, тери лейшманиозининг антропоноз шакли бўлган беморлар орасида (53 бемор) 27 тасида касалликнинг дўмбоқчали босқичи, қолган 26 тасида лейшманиознинг дўмбоқчали-ярари

босқичи бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, тери лейшманиозининг антропоноз шакли бўлган 53 бемордан фақат 12 тасида специфик лимфангоит ёки лимфаденит кузатилган. Ўчоқлар сони 1 дан максимум 3 тагача ўзгарган, бу антропоноз лейшманиоз учун хосдир. Тери лейшманиозининг қишлоқ тури билан оғриган барча беморларда тошмалар касалликнинг ярали ва асоратланган шакллари билан ифодаланган.

ТЛ нинг зооноз ва антропоноз турлари одатдаги клиник кўринишга эга эди. Баъзи беморларда патологик жараён лимфангоит, лимфаденит ва кетма-кет лейшманиома кўринишидаги асоратлар билан давом этди. Лимфаденит билан асоратланганда оёқларда лимфостаз туфайли болдир ва товонларнинг шишиши кузатилди. Баъзи ҳолларда очик яра ҳосил бўлмасдан кичик дўмбоқчали элементларнинг узок вақт сақланиши билан бирга ТЛ нинг аборттив кечиши кузатилди.

Беморларда зарарланиш ўчоқларидаги яралар сони 1 тадан 10 гача ўзгарди. Қичишиш кўринишидаги яллиғланиш ҳодисалари фониди субъектив ҳислар 78 беморда, 54 беморда оғриқ билан бирга келган, қолган 82 бемор ҳеч қандай алоҳида шикоят қилмаган. Бундан ташқари, 18 беморда оғриқ ва қичишиш кузатилди.

Ўтказилган тадқиқотлар Бухоро вилоятининг эндемик минтақаси шароитида ТЛ нинг тери-патологик жараёнининг кечиши хусусиятларини аниқлаш ва тавсифлаш имконини берди.

Диссертациянинг «**Тери лейшманиози билан оғриган беморларда иммунитет реактивлиги ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида иммунитетнинг хужайравий ва гуморал тизимлари бўйича, шунингдек, ТЛ нинг турли клиник шакллари бўлган беморларда баъзи цитокинларни тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тадқиқотларга иммунитет реактивлигининг турли кўрсаткичларига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа органлар ва тизимларда йўлдош патологияси бўлмаган беморлар киритилди.

Тери лейшманиози билан оғриган 96 беморда иммунологик кўрсаткичлар ўрганилди. Улардан 30 беморга ТЛ нинг дўмбоқчали шакли, 42 беморга ярали лейшманиома, 24 беморга дўмбоқчалар контаминацияси ва лимфангоит билан асоратланган ярали лейшманиома ташхиси кўйилган. Назорат гуруҳини 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган 20 нафар деярли соғлом шахсларнинг маълумотлари ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, дўмбоқчали ТЛ билан оғриган беморларнинг периферик қониди CD3+ ва CD4+фенотипли хужайраларнинг нисбий сони сезиларли даражада камайган ( $p < 0,05$ ). ИРИ назоратга нисбатан 1,14 марта камайди. CD19+ фенотипи ( $p < 0,01$ ) билан В-лимфоцитлари даражаси, IgA ( $p < 0,05$ ), IgM ( $p < 0,05$ ) ва IgG ( $p < 0,001$ ) концентрацияси сезиларли даражада ошди, АЮК назоратга нисбатан 1,9 марта ошди ( $p < 0,001$ ).

Ярали лейшманиомали ТЛ беморларида ИРИ назорат билан солиштирганда CD4+ даражаси сезиларли камайиши ( $p < 0,001$ ) ҳисобига 1,37 баробар камайди, шунингдек, CD19+ хужайраларининг кўпайиши ( $p < 0,001$ ),

IgA ( $p < 0,01$ ), IgM ( $p < 0,01$ ) ва IgG ( $p < 0,001$ ) ҳамда АЮК концентрациясининг назорат нисбатан 2,26 марта ошиши кузатилди.

Дўмбоқчалар контаминацияси ва лимфангоитлар билан асоратланган ярали лейшманиомали беморлар гуруҳида CD3+ ( $p < 0,001$ ) ва CD4+ хужайраларининг ( $p < 0,001$ ) нисбий ( $p < 0,001$ ) ва мутлақ миқдорининг сезиларли пасайиши аниқланди. Шу билан бирга, ИРИ назоратга нисбатан 1,7 марта камайди. CD19+ хужайралари ( $p < 0,001$ ), IgA ( $p < 0,01$ ), IgM ( $p < 0,01$ ) ва IgG ( $p < 0,001$ ) нинг бошланғич даражалари назоратга нисбатан ошди. АЮК даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,6 баробардан кўпроқ ошди. Энг аниқ бузилишлар ТЛ нинг оғир шакллари бўлган беморларга хос эди.

Маълумки, организмнинг маълум бир патологик ҳолатга иммун реакцияси нафақат патологиянинг клиник шакли билан белгиланади, балки маълум даражада касалликнинг кечиш давомийлигига ҳам боғлиқ.

Бунинг учун беморлар ТЛ нинг давомийлигига қараб 3 гуруҳга бўлинди. 1-гуруҳ касалликнинг давомийлиги 6 ойгача бўлган 26 бемор, 2 - гуруҳ – касаллик давомийлиги 7 ойдан 1 йилгача бўлган 17 бемор ва 3-гуруҳ – патологик жараённинг давомийлиги 1 йилдан ортиқ бўлган 8 бемор.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, иммунитетнинг хужайравий тизимида аниқланган ўзгаришлар касаллик давомийлиги 1 йилдан ортиқ бўлган беморларда аниқроқ бўлди ва касалликнинг давомийлиги ошиши билан бемор организмнинг иммунологик реактивлигида дизрегуляция жараёнлари чуқурлашади.

Маълумки, цитокин тармоғи хужайралараро ўзаро таъсирларнинг энг муҳим регулятор механизми ҳисобланади. Цитокин ишлаб чиқаришнинг баланси бузилиши иммунопатогенезида, сурункалигига ўтиш ва касалликнинг авж олишида муҳим аҳамиятга эга.

Биз ТЛ нинг клиник шаклларига қараб беморларда яллиғланишга оид ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг таркибини ўргандик (IL-4, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ , IFN- $\alpha$  ва IFN- $\gamma$ ).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, умуман олганда гуруҳларда яллиғланишга оид цитокинлар даражаси дастлабки маълумотлари сезиларли даражада юқори эди. Жумладан, IL-6 даражаси назорат гуруҳининг қийматларидан 2 марта, IL-8 даражаси 1,9 марта юқори эди. Назорат қийматларидан 3,6 марта юқори бўлган TNF- $\alpha$  нинг юқори даражаси эътибор тортади. Аксинча, ушбу гуруҳдаги беморларда яллиғланишга қарши цитокин IL-4 таркиби назоратга қараганда 2,7 марта паст бўлган ( $p < 0,001$ ). Шунга ўхшаш ўзгаришлар IFN- $\alpha$  ва IFN- $\gamma$  учун хос бўлди. Бу ҳолда, назорат гуруҳига нисбатан IFN- $\gamma$  танқислиги янада аниқ (2,53 марта) бўлди  $8,43 \pm 0,25$  пг/мл ( $p < 0,001$ ) ни ташкил этди.

Кейинги тадқиқотларда биз касалликнинг клиник шаклига қараб ТЛ билан оғриган беморларда цитокин индексларини ўргандик (1-расм).

Дўмбоқчали ТЛ билан оғриган беморларнинг қон зардобида назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда IL-6, IL-8 ва TNF- $\alpha$  цитокинлар концентрацияси сезиларли даражада ошди ( $p < 0,001$ ). Шу билан бирга, ушбу цитокинларнинг даражаси назоратга нисбатан мос равишда 1,8, 1,7 ва 2,2

марта юқори бўлди. Яллиғланишга оид цитокинлар миқдорининг кўпайиши яллиғланишга қарши цитокин IL-4 даражасининг пасайиши билан бирга келди, унинг даражаси назоратга нисбатан 2,4 марта камайди ( $p < 0,001$ ).

Аниқландики, бу гуруҳ беморларида, IFN- $\alpha$  ва IFN- $\gamma$  миқдори ҳам назорат гуруҳи соғлом кишилар кўрсаткичидан 1,4 ва 1,9 марта кам эди.

Ярали лейшманиомали беморларда цитокин даражасида янада сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, қон зардобидида IL-4 даражаси назорат нисбатан 2,7 марта кам бўлса, ( $p < 0,001$ ), IL-6, IL-8 ва TNF- $\alpha$  даражалари эса, назоратга қараганда мос равишда 2,1; 2,0 ва 4,1 марта юқори эди. Шу билан бирга, IFN- $\gamma$  нинг камайиши кузатилди (2,7 марта назоратдагига нисбатан). Бизнинг маълумотларимиз шуни кўрсатадики, ярали лейшманиома билан оғриган беморларда оғир даражали яллиғланиш жараёни мавжуд ва касалликнинг ижобий натижаси учун яллиғланишга қарши ва иммунитет омиллари етарли эмас.


Дўмбоқчалар контаминацияси ва лимфангоитлар билан асоратланган ярали лейшманиома билан оғриган беморларда цитокин индексларида янада кескин ўзгаришлар аниқланди. Жумладан, IL-4 даражаси 3,2 мартадан ортиқ камайди, соғлом назоратдагиларникига нисбатан. Бундан ташқари, IFN- $\gamma$  ва IFN- $\alpha$  цитокинларга ҳам бошланғич паст кўрсаткичлар хос эди (назорат кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 2,98 ва 1,6 марта). Аксинча, IL-6 2,2 марта ва IL-8 назоратга нисбатан 2,1 марта ошди ( $p < 0,001$ ). Шуниси эътиборга лойиқки, TNF- $\alpha$  синтези аниқ ошди (4,6 марта), назоратдаги  $14,25 \pm 0,55$  пг/мл га нисбатан  $65,55 \pm 2,42$  пг/мл ( $p < 0,001$ ) ни ташкил қилди.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи патологик жараённинг давомийлигига қараб ТЛ билан оғриган беморларда цитокин индексларининг ҳолатини ўрганиш эди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, беморларда патологик жараённинг давомийлигидан қатъий назар, барча текширилган гуруҳларда қон зардобидида барча яллиғланишга оид цитокинлар концентрациясининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Шундай қилиб, касаллик давомийлиги бўлган 7 ойдан 1 йилгача беморларда IL-6 даражаси 2,2 марта ошди ва 1 йилдан ортиқ давом этганда - назоратга нисбатан 2,3 марта ошди. Худди шу тенденция IL-8 даражаларига нисбатан кузатилди. Бироқ, TNF- $\alpha$  даражаси касаллик давомийлиги 7 ойдан 1 йилгача ва 1 йилдан ортиқ бўлганда сезиларли даражада юқори бўлиб чиқди, мос равишда  $48,45 \pm 2,45$  пг/мл ва  $51,3 \pm 3,62$  пг/мл ( $p < 0,001$ ) ни ташкил қилади. IL-4 цитокин даражаси касаллик давомийлиги 1 йилдан дан ортиқ бўлган гуруҳда назоратга нисбатан паст эди ва назоратдаги  $1,86 \pm 0,13$  пг/мл га нисбатан  $0,66 \pm 0,18$  пг/мл ( $p < 0,001$ ) ни ташкил қилди. ТЛ 1 йилдан ортиқ давом этган беморлар гуруҳида IFN- $\alpha$  ( $p < 0,001$ ) ва IFN- $\gamma$  ( $p < 0,001$ ) қийматлари ҳам паст бўлди. Кўриниб турибдики, цитокин индексларида аниқланган ўзгаришлар касаллик давомийлиги 1 йилдан ортиқ бўлган беморларда аниқроқ бўлган.

Шундай қилиб, олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тери лейшманиозидида цитокин таркибидаги ўзгаришлар аниқланади, бу зардобдаги IL-4 концентрациясининг дефицити ва IL-6, IL-8 ва TNF- $\alpha$  нинг

кўпайиши билан ифодаланади. Цитокинларнинг юқори даражалари, хусусан, TNF- $\alpha$  ошиши, лейшманиянинг киришига жавобан организмда кучли яллиғланиш реакциясининг ривожланишини кўрсатади ва патологик жараённинг фаоллиги ва оғирлик даражасининг аксидир. Шу билан бирга, ТЛ нинг асоратланган клиник шаклларида бу цитокинларнинг кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори эди.



**1-расм. Тери лейшманиозининг турли клиник шаклларида яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар миқдори**

Диссертациянинг «Тери лейшманиози билан оғриган беморлар учун комплекс терапияни ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида ТЛ нинг турли шакллари бўлган беморлар учун инновацион комплекс терапия самарадорлигини баҳолаш бўйича клиник-иммунологик ва микробиологик маълумотлар келтирилган.

ТЛ билан оғриган беморларни даволаш учун танлов касалликнинг босқичи ва оғирлигига ҳамда иммунитет танқислиги даражасига боғлиқ эди. ТЛ кўзгатувчисининг лимфа томирлари орқали тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, лимфа тизимида троп антибиотикларнинг тўғридан-тўғри уларнинг энг кўп тўпланган жойларида ва шу билан лейшманиознинг клиник кечишини асоратлаштирадиган микрофлора таъсирига ҳисса қўшадиган юқори концентрацияли дориларни яратиш мақсадга мувофиқ туюлди. Антибиотикларни эндолимфатик йўл билан юбориш, уларнинг лимфа тугунларида ушлаб қолиниши ва тўпланиши туфайли, препаратнинг кўкрак оқимининг оғзи орқали венага доимий-перманент тушиб туришини, қондаги терапевтик концентрацияни узок муддат сақланишини таъминлайди. ТЛ да лимфа тизимининг шикастланишининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, лидазани лимфотроп усулда қўллаш: биринчидан, бу интерстициал бўшлиқда суюқлик ўтказувчанлиги ва ҳаракати ошиши туфайли лимфа оқимини рағбатлантиришга ёрдам беради, бу эса антибактериал препаратларнинг лимфа тизимининг зарарланган жойларига киришини яхшилади, иккинчидан, антибиотикларнинг самарадорлигини оширади, шунингдек,

уларнинг ноҳўя таъсирини камайтиради ва шу билан у яра элементларнинг тузалишини тезлаштиришни рағбатлантиради. Шу билан бирга, маҳаллий препарат Фаргалс эритмасидан фойдаланиш яраларни некротик тўқималардан эрта тозалашга, йўлдош микрофлорадан маҳаллий санациясига, яранинг эрта битишига ёрдам беради, шу билан бирга кўпол чандиқ ҳосил бўлмасдан терининг эластиклигини сақлайди.

ТЛ нинг комплекс терапиясида биз янги маҳаллий интерферон индукторидан, пахтанинг полифенол бирикмаси (госсипол ҳосиласи) бўлган гозалидон препаратидан фойдаландик.

Қабул қилинган терапия усулига қараб, барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган (гуруҳларнинг тавсифи, қўлланиладиган усуллар ва инновацион терапия учун дорилар диссертациянинг 2-бобида келтирилган).

Ишлаб чиқилган янги патогенетик усул билан даволаш тери лейшманиози билан оғриган 60 та беморда амалга оширилди (2-гуруҳ). 60 беморнинг 34 нафари (56,7%) аёл ва 26 нафари (43,3%) эркак эди. ТЛ нинг зооноз шакли 55 беморда, антропоноз шакли 5 беморда аниқланган. Тери лейшманиозининг дўмбоқчали босқичи 24 (40%) ва яралар босқичи 36 (60%) беморларда кузатилган. Асоратсиз яралар лейшманиомалар 22 (36,7%), дўмбоқчалар контаминацияси, лимфангоит ва лимфаденитлар билан асоратланган яралар лейшманиома – 14 (23,3%) беморларда кузатилган. Қолган 24 (40%) беморларда лейшманиознинг дўмбоқчали босқичи аниқланди.

Назорат гуруҳи илгари тери лейшманиози учун анъанавий терапия олган 48 бемордан иборат эди (1-таққослаш гуруҳи). 48 беморнинг 28 нафари (58,3%) аёл ва 20 нафари (41,7%) эркак эди. ТЛ нинг зооноз шакли 45 беморда, антропоноз шакли 3 беморда аниқланган. Тери лейшманиозининг дўмбоқчали босқичи 20 (41,7%) ва яралар босқичи 28 (58,3%) беморларда кузатилган. Асоратсиз яралар лейшманиомалар 16 (33,3%), дўмбоқчалар контаминацияси, лимфангоит ва лимфаденитлар билан асоратланган яралар лейшманиома – 12 (25,0%) беморларда кузатилган.

Ўтказилган терапия натижасида лейшманиоз дўмбоқчалари сўрилиши, яраларнинг тозаланиши ва тузалиш муддати касалликнинг клиник шакли ва давомийлигига боғлиқлиги аниқланди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, қўлланиладиган терапия терининг юзаки, енгил чандиқли атрофияси ҳосил бўлиши билан барча элементларнинг регрессиясига ёрдам берди ва билвосита лимфотроп терапия ёрдамида антибиотик канамицин ва лидаза энзим препаратини ҳамда гозалидон олган ТЛ билан оғриган беморларда энг яхши таъсирга эришилди. Комплекс терапия олган беморларнинг асосий гуруҳидаги яраларни (лимфангоитли яралар ва контаминацияли дўмбоқчалар) даволаш вақти мос равишда 5,5 ва 8,1 кунга камайди. Комплекс терапия олган дўмбоқчали лейшманиомали беморларда патологик жараённинг тўлиқ ҳал этилиши 7-8 кун олдин, асоратланган лейшманиомали беморларда эса анъанавий терапия олган беморларга қараганда 8-9 кун олдин содир бўлган. Бундан ташқари, ТЛ нинг барча клиник шаклларида қўзғатувчи элиминацияси ёки паразитологик соғайиш комплекс терапияни қўллашда

ўртача 4-5 кун олдин тезроқ кузатилди. Яллиғланиш жараёнининг резорбцияси вақти (инфилтратнинг резорбцияси, яраларни некротик ва йирингли қатламлардан тозаланиши) кўп жиҳатдан патологик жараённинг давомийлигига боғлиқ эди ва касаллик давомийлиги 6 ойгача бўлганда бошланган даволаш тикланиш даврини сезиларли даражада қисқартирди.

Шуни таъкидлаш керакки, бактериологик тадқиқотлар (лейшманияни аниқлаш) терапия бошланганда, терапия бошланганидан 10, 20 ва 30 кун ўтгач амалга оширилди. Шундай қилиб, даволаниш бошида лейшмания иккала гуруҳда ҳам 69% ҳолларда аниқланган. Даволаш бошланганидан 10 кун ўтгач бактериологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий даволанишни олган 48 бемордан 22 (45,8%) бемор оддий ҳайвонлар аниқланиши давом этган, комплекс даволаш 60 бемордан эса фақат 12 (20%) ҳолатда аниқланган. 20 кунлик даволанишдан сўнг, анъанавий даволанишни олган 7 (14,6%) беморда зарарланиш ўчоқларида лейшмания аниқланди, комплекс даволанган беморлар орасида фақат 2 (3,3%) беморда оддий ҳайвонлар аниқланди. 30 кунлик даволанишдан сўнг, лейшмания анъанавий даволанган 4 (8,3%) беморда аниқланди, комплекс даволанадиган беморлар гуруҳида барча тестлар салбий натижа кўрсатди.

